

**Юридик шахс бўлган истеъмолчилар учун электр таъминотининг намунавий  
шартномаси**

2022 йил “ 17 ” январ

2-сон

Марҳамат туман

3106/07-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Марҳамат туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари X.Ахмедов (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда низом асосида фаолият юритувчи Марҳамат туман мактабгача таълим бўлими раҳбари С. Шамшиева (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади) ккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

**I. Шартнома предмети**

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда “энергия” деб аталади) уланган тармок орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол килинган энергия учун ўз вақтида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

**II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш**

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик Шартномавий ҳажми:

актив 3000 кВт/с., реактив \_\_\_\_\_ кВар/с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 1350000 (Бир миллион уч юз эллик минг) сўм ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳак тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

**III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар (нархни белгилашнинг алоҳида тартиби) асосида амалга оширилади.

3.2. 750 кВА ва ундан юкори кувватган уланган Истеъмолчи электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тарифлар бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эргалабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) - ўсуви коэффициентни кўллаш орқали белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда,

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларда: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 06<sup>00</sup> гача) – камаювчи коэффициентни кўллаш орқали белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гурухидаги бир ставкали тариф қўлланиладиган истеъмолчиларга ҳам амал киласи.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

750 кВАгача қувватга уланган, электр энергиясини реализация килишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилганд махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчи энергия учун тўловларни ёзиб борувчи коэффициентли ва Ҳукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ойни ташкил киласди.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг корхонанинг ваколатли шахси баланси биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача тақдим этади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботда ишлатилган электр энергиясининг (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташкари, тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган ҳажмларни кўрсатиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгаргандан, Истеъмолчи етказиб берилётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳак тўлайди.

3.6. Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даври бошлангунига кадар олдин энергиянинг шартномада кўрсатилган қийматини юз фоиз (50 %) олдиндан тўлагандан сўнг унга энергия етказиб берилади.

3.7. Корхона энергия сари тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китоб киласди ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳакини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергия технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланаб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳакикатдан истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳакини ёzádi ва Иsteъmolchi шахсий ҳисобрекамида бу ҳакида тегинли белги қўйилади.

Ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибida ёзиб олгандан кейин Корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб киласди.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб килиш ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглари карзни қоплашга йўналтирилди ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчининг айби билан электр энергияси Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол килинмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия олинганда, Иsteъmolchi Шартномада кўrсатилган миқдордан ортиқча олиниган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 0.15% миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. Иsteъmolchi Корхона билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Иsteъmolchi куйидаги ҳозларда электр тармокларидан узилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

хисобга олиш приборлари қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қиласидан хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр тармоқлари га ноконуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аникланганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб Истеъмолчини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганилик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

#### **IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари**

##### **4.1. Истеъмолчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқлари га техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

шартномани конун ҳужжатлари га мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъморчи конун ҳужжатлари га мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### **4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:**

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Корхона, вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори қувватта уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дакиқадаги сарфини хисобга олиши ва Корхона талабига кўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қўидаги хукуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, келишмасдан ва огохлантирмасдан Истеъмолчига электр энергиясини узатишни чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофик бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.4. Корхона қўидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи оркали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линиялари, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги ноъсозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бўзарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия хисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш. электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳакида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни коплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни коплашга мажбур.

#### 5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчи электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокора ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

### VI. Якунловчи қондалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31-декабргача мuddатга тузилган. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланадиган икки нусхада тузилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас киёми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор килган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзgartириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳакийкий ҳисобланади.

### VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

#### “Етказиб берувчи”

Номи: Марҳамат ТЭТК

Манзил: Марҳамат шахар

М. Халилов кўчаси 2

Банк номи: Ўз СҚБ Бунёдкор бўлими

Х/р: 22636000700285972315

ИНН: 200230792 МФО: 00075

ОКОНХ: 11170

Рахбар:  X.Ахмедов

М. Ў



#### “Истеъмолчи”

Номи: Марҳамат ғуман МТБ

Манзили: Марҳамат ғуман, Шомат МФЙ

Ш/хв: 100022860032277091100251002

СТИР: 305155325 ОКОНХ: 85100

Тошкент шахар Марказий банк ХККМ  
Молия Вазирлиги Фазначилиги.

Г/хр: 23402000300100001010

СТИР: 201122919 МФО: 00014

Рахбар:

М. Ў

С. Шамшиева



**YURIDIK AHAMIYATGA EGÀ HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**№ JP25223527**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**Elektr ta'minoti shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Marhamat tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 14.01.2022 yil  
kuni taqdim etilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

14.01.2022

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**Bosh yuriskonsulti**



**B.I.Aliyev**